“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш
бошқармаси бошлиғи
Ж.Б. Худойбердиев

«30» апрель 2024 й.

“ЎзРВБда коррупцияга қарши курашишга оид ички ҳужжатлар” мавзусида давра суҳбати баённомаси

Тошкент ш. **2024 йил 30 апрель**

Қатнашдилар: “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ ходимлари.

ЎзРВБ Фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш бошқармаси бошлиғи Ж.Б. Худойбердиев давра суҳбатини *“Очиқ”*, – деб эълон қилди ва сўз олиб, ЎзРВБда коррупцияга қарши курашишга оид ички ҳужжатлар талабларини тушунтириш мақсадида сўзни Коррупцияга қарши ички назорат бўйича масъул ходим О.Э.Умурзаковга берди.

О.Э.Умурзаков ўз маърузасида ЎзРВБда коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий асосларни яратиш, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишига оид таъсирчан ва самарали тизимни шакиллантириш мақсадида ЎзРВБнинг 2022 йил 3 февралдаги 7-сонли буйруғи билан қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинганлигига тўхталиб ўтди.

1) ЎзРВБнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати;
2) ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;
3) ЎзРВБда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом;
4) ЎзРВБнинг алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти;
5) ЎзРВБ ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома;
6) ЎзРВБда контрагентларни текширишга оид йўриқнома;
7) ЎзРВБга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома;
8) ЎзРВБда коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;
9) ЎзРВБда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом;
10) ЎзРВБ ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ коидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент.

Шу билан бирга, маърузачи коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида бугунги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар бўйича ҳам тўхталиб ўтди.

Шунингдек, маърузачи коррупцияга қарши курашга қаратилган юқорида келтирилган ҳужжатлар мазмун моҳияти бўйича давра суҳбати иштирокчиларига атрофлича тушунтириш берди ҳамда мазкур ҳужжатлар билан ходимлар танишиб чиқишлар учун **\\100.1.0.20\Ideabox** папкасига ҳам жойлаштирилганлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, мазкур ҳужжатлар ЎзРВБ расмий веб-сайтига ҳам жойлаштирилганлиги қайд этиб ўтилди.

Йиғилиш якунида маърузачи иштирокчилар саволларига батафсил жавоб берди.

Коррупцияга қарши ички
назорат бўйича масъул ходим **О.Э.Умурзаков**